

6. Urokova Sharofat. (2023). Digitalization of education at the present stage of development. World Bulletin of Management and Law, 23, 60-63. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/2873>
7. Ilich, M. E. (2022, February). Problems of professional development of future teachers in the field of informatics. In Conference Zone (pp. 193-194).
8. Ilyich, M. E. (2023, November). Aspects of improving the education system in technological universities. In E Conference World (No. 2, pp. 128-137).
9. Kadirbergenovna, B. L. (2023, November). Methodology for organizing the process of distance education and its teaching. In E Conference World (No. 2, pp. 160-164).
10. Laylo, B., & Malika, D. (2023). Capabilities of scratch for working with animations. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 11(11), 1118-1120.
11. Sharofat, O. R. (2023, May). Electronic learning resources and requirements for their creation. In International Scientific and Practical Conference on Algorithms and Current Problems of Programming.
12. Bahadir, U. S. (2023, November). Creating a control test in plickers. In E Conference World (No. 2, pp. 107-111).

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

Қодиров Махмуджонон Мухаммаджонович

Тошкент давлат педагогика университети доценти, педагогика фанлари

бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақола педагогика олий таълим муассасаларида инклюзив таълим тизимида малакали ўқитувчиларни узлуксиз таълимнинг аҳамияти самарадорлигини оширишга хизмат қиласади.

Калит сўзлар: инклюзив, таълим, ривожланиш, ўкувчи, узлуксиз, мутахассис, меҳнат бозори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги

“Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонига [2] мувофиқ Ўзбекистонда инклузив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида бир қатор вазифалар ишлаб чиқилди. Унга кўра 2020-2025 йилларда инклузив таълимни амалиётга жорий қилиш концепцияси, хар йил учун тасдиқланга “Йўл харитаси” асосида босқичма-босқич амалга ошириш, уларнинг тахлилини олиб бориш каби масалалар қамраб олинган.

Юртимизда ўтган давр мобайнида ўсиб бораётган ёш авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ҳамда тарбия шакллари ва усулларини жорий этишга қаратилган узлуксиз таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Узлуксиз таълим – бу таълим жараёнидаги ўсиш (умумий ва қасбий жиҳатдан) ҳисобланиб, шахс ҳаёти давомидаги кучини шаклалнишига олиб келади, албатта шахс ва жамият эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, ташкиллаштириш ишлари давлат ҳамда жамоат институтлари томонидан амалга оширилади. Узлуксиз таълимнинг мақсади – инсонни ҳаёти давомида бир бутун шахс сифатида ривожлантириш, тез ўзгарувчи дунёда ижтимоий қўникумга ҳосил қилиш ва унинг меҳнат фаолият имкониятларини ошириш, ўқиши қобилиятларини ривожлантириш, уни интилишлари ва имкониятларини шаклланишини таъминлашdir.

Узлуксиз таълим тизимига, мактабгача таълим ташкилоти, умумтаълим мактаби, профессионал ва қасб-хунар таълими, олий таълим (бакалавр, магистратура), олий таълимдан кейинги таълим (таянч докторантурা, докторантурा) ҳамда малака ошириш тизимларини киритиш мумкин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-4860-сонли қарорига [1] мувофиқ инклузив таълим тизими босқичма-босқич бошқа умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилиниши; алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклузив таълим олиш хуқукини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши; инклузив таълимда ўқитиш усуллари такомиллаштирилади ҳамда таълим жараёнига индивидуаллаштириш тамойиллари босқичма-босқич жорий этилиши; инклузив таълим жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишига қаратилган чоралар кўрилиши; ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий эҳтиёжидан ҳамда таълим муассасаларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб ва мактаб-интернатлар) (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган таълим муассасалари) сони оптималлаштириш турларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойdevor бўлди.

Олиб борилган таҳлил, инклузив таълимни босқичма-босқич жорий этиш орқали алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари оптималлаштирилади, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг teng хуқуқли жамият аъзоси сифатида умумтаълим муассасаларида билим олиши таъминланади.

Аввало, биз инклузив таълим тушунчасига аниқлик киритишимиз керак. “Инклузивлик”нинг ўзи, хусусиятларидан қатъи назар, мутлақо барча одамларни тўлиқ ижтимоий ҳаётга киритиш жараёнидир.

Шундай қилиб, инклузив таълим — бу барча болалар умумий таълим тизимида киритилган ўкув жараёни. Бу ерда “барча болалар”, яъни уларнинг жисмоний, ақлий, интеллектуал, маданий, этник, тил ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, аниқ таъкидлаш мухимдир.

Бу шуни англатадики, болалар ўз яшаш жойларида таълим олиш учун teng имкониятларга эга. Умумтаълим мактаблари махсус таълим эҳтиёжларини ҳисобга олади ва ўқувчиларга зарур махсус ёрдам кўрсатади. Ва ниҳоят, барча болалар tengдошлари билан teng равишда ўрганишлари,

ривожланиши, ижтимоийлашиши ва бир-бирига бағрикенгликни ўргатиши мумкин.

Инклузив таълимда барча болалар, шу жумладан ногиронлар маҳсус ажратилган гурухда эмас, балки бир синфда ўқийдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, маҳсус гурухлар ва муассасалар қолаверади, улар тутатилмайди, аммо ота-оналар боласи учун муассасани танлаш хуқуқига эга.

Бугунги кунда инклузив таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, сурдопедагогка, логопедия ҳамда олигофренопедагогика йўналишларидағи педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш тизими ташкил этилмаган.

Шундай қилиб, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус касб таълими соҳаларига тегишли инновацион ривожланиш тенденцияси ҳисобига, узлуксиз таълим ғоясини киритиш, шу орқали шахсда таълимдаги фаолиятини босқичлар ўртасидаги изчиллигини, яъни кетма-кетлигини таъминлаганлигини киритса бўлади. Таълимдаги узлуксизлик ғояси, таълим тизимида босқичма-босқич поғоналардан бошланғичдан юқорига қараб кўтарилиш имкониятини яратади, бу ўз навбатида иштирокчиларнинг касбий ва шахсий фаолияти жараёнидаги ривожланишни англаатади ва бир босқичда берилган вазифанинг ўзига хос ечими топилади.

Умуман олганда узлукиз инклузив таълим тизимиға мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва профессионал таълими ҳамда олий таълим муассасаларини киритиш, таълим жараёнига янги касбий фаолиятни ва шахсни ривожлантирувчи йўлларини ишлаб чиқаришни талаб этади, бу жараён ўз-ўзидан келгусида замон талабига мос келадиган юқори малакали мутахассислар етишиб чиқишини таъминлайди.

Муаммонинг ечимларидан бирини биз юқори, самара берадиган ҳар қандай жараён ва ўзгаришларга мослаша оладиган ижтимоий технологиялар орқали лойиҳалаштирилган узлуксиз инклузив таълим тизимини тузишга мослаша билиш ва мустақил ўқиш, ижтимоий-иктисодий муҳит, ҳар бир инсонни самарали узулксиз таълим билан таъминлай олади.

Демак, хулоса қилиш мумкин: бўлажак инклузив таълим ўқитувчиларида олий таълим муассасасида тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш, уларнинг мутахассис бўлиб етишида асосий жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда бу борада олий таълим муассасаси ва жойлардаги меҳнат бозорининг имкониятларини ҳам инобатга олиш лозим.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун таълим қўп босқичли тизимга айланиб, унга сингиб бориши керак. У шундай тизим бўлиши керакки, унда умумий таълим ва оралиқдаги босқичлар изчиллиги табиий равишда амалга оширилиши лозим, вертикал кўринишдаги босқичда (мактабгача таълим, умум ўрта таълим, ўрта маҳсус, профессионал таълим, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим), жумладан унинг турли шаклларидаги, поғона ва ўқув муассасалари, горизонтал кўринишда бўлиши керак. Долзарб ғоялардан бири бу, умум ўрта таълим, ўрта маҳсус ва қасб-хунар таълими, олий таълим ўқув дастурларини биргаликда алоқадорлигини таъминлаган ҳолда тузиш керакдир. Бу эса узлуксиз таълимда юқори малакали билим ва амалий малака соҳибларини, иқтисодий ҳолатларга тез мослаша оладиган етук шаклланган мутахассисларни узлуксиз жараёнда етиштириб чиқаришни тақазо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.

3. Mukhammadjonovich, K. M. (2022). Formation of professional competence of teachers of future technological education. current research journal of pedagogics, 3(10), 34-41.

4. Qodirov, M. M. (2024). Future technological education of professional teachers' competence of formation mechanisms. current research journal of pedagogics, 5(02), 68-76.

5. Шомахмудова Р. Инклюзив таълимнинг назарий ва амалий асослари. Ўкув-методик қўлланма. – Т.: «Раззоқов О.Ж.», 2007. – 3,25 б.т.

BO‘LAJAK BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHILARNING MUSTAQIL ISHLASH KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHDA ELEKTRON TA’LIM RESURSLARINI MAZMUNI

*G‘aniyev Doniyor, Samarqand tumani
“Knowledge source” nodavlat ta’lim muassasasi o‘qituvchisi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada mustaqil ishslash xaqida tushuncha beriladi. Bo‘lajak o‘qituvchilarning o‘quv kompetentsiyasini shakllantirishda mustaqil ishning xususiyatlari xaqida va ularni shakllantirishda elektron ta’lim resurslari haqida gap boradi.

Kalit so‘zlar: mustaqil ishslash, kompetensiya, elektron ta’lim resurslari.

Bo‘lajak o‘qituvchilarning o‘quv va kognitiv kompetentsiyasini shakllantirishning samarali vositasi sifatida mustaqil ish g‘oyasini ximoya qiladi: mustaqil ishning tarkibiy qismlari va shakllari ko‘rib chiqiladi; “Pedagogika” o‘quv fanining “Pedagogika fani va faoliyatiga kirish”, “Pedagogikaning umumiy asoslari” modullarini bo‘lajak o‘qituvchilar tomonidan o‘rganish jarayonida mustaqil ishlarni tashkil etish masalasi ochib berilgan. Mustaqillikni ilmiy va uslubiy ta’minlashning dolzarbliги bo‘lajak o‘qituvchilarning ishi ustuvor e’tibor bilan ko‘rsatilgan. Ushbu turdagи o‘quv faoliyatini tizimli tashkil etishdagi amaliy faoliyat, shuningdek, bo‘lajak o‘qituvchilarning o‘zlari mustaqil ishlarni tashkil etish, mazmuni, texnologiyasi va tartibini bilish, uning o‘quv va kognitiv kompetentsiyani shakllantirishdagi rolini tushunish zarurati. Boshqa asosiy vakolatlar qatorida kelajakdagi o‘qituvchining kasbiy tayyorgarligini aniqlash.